

ЎЗБЕКИСТОН ВА МДХ МАМЛАКАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ҲАМКОРЛИГИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

Ш.К.Атаева – ТошДШИ магистранти

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг МДХ мамлакатлари билан савдо ва инвестиция ҳамкорлиги, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдаги афзалликлар, Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан инвестиция ҳамкорлигидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари баён этилган.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалик тизимида ўзига хос ўрин эгаллашида, экспорт ҳажмини ошириш ва импорт таркибини такомиллаштиришда МДХ мамлакатлари билан савдо ва инвестиция ҳамкорлигини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади, чунки кўп йиллик тарихий ривожланиш давомида МДХ мамлакатлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик муносабатлари шаклланган. Мамлакатлар иқтисодиёти асосий ва етакчи тармоқларининг ўхшашлиги, уларнинг яхлит ҳудудий бирликка эга эканлиги, сув ва энергетика манбаларининг ягоналиги ва улардан биргаликда фойдаланиш зарурияти, ягона транспорт ва коммуникация тизимининг мавжудлиги МДХ мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг доимий бўлишини таъминлайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати МДХ мамлакатлари билан савдо ва инвестиция ҳамкорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. МДХ мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон учун қатор афзалликларга эга:

Биринчидан, республикамиз географик нуқтаи назардан анклав давлат ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистондан бевосита энг арзон транспорт тури ҳисобланган денгиз йўлларига чиқиш имконияти мавжуд эмас. Бу ўз навбатида транспорт харажатлари билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради ҳамда маҳсулот таннархи ва унинг рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. МДХ мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш эса йирик транспорт харажатларини талаб қилмайди.

Иккинчидан, МДХ Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар учун йирик бозор ҳисобланади. Республикамизда ишлаб чиқарилаётган тайёр товарлар энергия ва материал сиғимининг юқорилиги, сифат даражасининг нисбатан пастлиги уларнинг рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли тайёр маҳсулотларни узоқ хориж мамлакатларига сотиш анча мураккаб. Ички бозор етарли даражада тўйинмаган МДХ мамлакатларида эса Ўзбекистон тайёр маҳсулотлари рақобатбардош ҳисобланади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган тайёр

енгил автомобилларнинг аксарият қисми МДХ мамлакатлари – Россия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларга сотилаётгани фикримиз далилидир.

Учинчидан, МДХ мамлакатлари билан савдо ва инвестиция ҳамкорлигини ривожлантириш бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик муносабатларининг фаоллашувига олиб келади. Натижада йирик маблағлар талаб этувчи улкан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун молиявий маблағларни бирлаштириш имконияти юзага келади.

Юқоридагиларга қарамасдан, Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан инвестиция ҳамкорлиги асосан Россия Федерацияси билан чекланиб қолмоқда. Хусусан, 2011 йилда Ўзбекистонга энг кўп инвестиция киритган 20 та мамлакатлар орасида иккита МДХ аъзоси бўлган мамлакатлар қайд этилган. Россия 1309,9 млрд. сўм билан 1-ўрин бўлса, Қозоғистон 32,9 млрд. сўм билан 11-ўринни эгаллаган¹. Бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари мавжуд бўлиб, унинг энг асосийларидан бири Россиядан бошқа МДХ мамлакатларининг деярли барчаси инвестиция қабул қилувчи мамлакатлар ҳисобланади.

Бугунги кунда Россия нафақат Ўзбекистоннинг энг асосий савдо ҳамкори, балки унинг йирик инвестиция ҳамкори ҳамдир. Бу икки мамлакат ўртасидаги инвестиция ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, унда нефть ва газ тармоғи етакчи ўринни эгаллайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2012 йил якунлари бўйича Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг 82 фоизи (655,87 млн. АҚШ доллари) Россиянинг “Лукойл”, “Газпром” ва “Петромаруз” компаниялари томонидан амалга оширилаётган нефть-газ соҳасидаги лойиҳалар ҳиссасига тўғри келади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Россия ўртасида юзага келган бундай ҳамкорлик тузилмаси мавжуд имкониятлардан тўла даражада фойдаланилмаётганлигидан далолат беради. Зеро, бу икки мамлакат ўртасида инвестиция ҳамкорлигини ривожлантиришнинг кенг имониятлари мавжуд бўлиб, уларни амалга ошириш ҳар иккала мамлакат манфаатларига мувофиқ келади.

Шу билан бирга Ўзбекистон ва МДХ мамлакатлари инвестиция ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан бири – қўшма корхоналар ташкил этишдир. Таъкидлаш лозимки, бу соҳада Ўзбекистон ва МДХ мамлакатларининг ҳамкорлик кўлами анча кенг. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда фаолият юритаётган МДХ мамлакатлари инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг энг катта қисми Россия ҳиссасига тўғри келади. Уларнинг умумий сони 915 тани ташкил этиб, унинг 761 таси қўшма корхоналар, 154 таси эса 100 фоиз россиялик инвесторлар капитали ҳисобига ташкил этилган корхоналардир. Россия Федерацияси ҳудудида эса 501 та Ўзбекистон капитали иштирокидаги корхоналар фаолият юритмоқда. Кейинги ўринда Қозоғистон Республикаси бўлиб, мамлакатимизда Қозоғистон инвестициялари иштирокида 181 та қўшма

¹ Альманах Узбекистана 2013. Т.: С.120

корхона фаолият юритмоқда. Бу корхоналарнинг асосий соҳалари савдо, кўчмас мулк, маркетинг хизматлари, логистика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқалар ҳисобланади. Айни вақтда Қозоғистон ҳудудида Ўзбекистон резидентлари иштирокида 132 корхона фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар орасида Украина инвестициялари иштирокидаги корхоналар ҳам салмоқли ўринга эга. Бу мамлакат инвестициялари иштирокидаги корхоналар сони 53 тани ташкил этиб, уларнинг асосий фаолият йўналишлари савдо, ёғочни қайта ишлаш, озиқ-овқат ва кимё саноати, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасидир. Украинада 31 та Ўзбекистон резидентлари иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Қирғизистон, Тожикистон, Беларусь инвестициялари иштирокида ҳам корхоналар ташкил этилган.